

Расмий муносабат



Ижтимоий тармоқлар орқали Термиз тумани “Янгиобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Termez National Carpets” МЧЖ олдига экилган арчалар қуриб қолгани танқид қилинган материал эълон қилинди.

Ушбу ҳолат туман масъуллари, экология соҳаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Тадбиркорга қарашли бўлган ҳудудда бир неча турдаги дараҳтлар экилган бўлиб, уларнинг айримлари қуриб қолган ва улар олиниб, ҳудуд тартибга келтирилган. Ҳозир кўчат экиш мавсуми бўлмаганлиги сабаб ўрнига дараҳт кўчатлари экиш ишлари мавсумда амалга оширилиши маълум қилинган.

Олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг тадбиркор томонидан ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини муддатида олиб борилиши билдирилди.